

# Анвар Обиджоннинг ўхшатишилардан фойдаланиш маҳорати

Ёқуб Сиддиқович Саидов  
Маржона Убайдуллоева  
Бухоро давлат университети

**Аннотация:** Мақолада замонавий ўзбек адабиёти тараққиётида алоҳида ўринга эга Анвар Обиджон бадиий асарларидағи ўхшатишилар лексик-семантик аспектда ўрганилган, уларнинг лингвопоэтик хусусиятлар аниқланган, шоир асарлари услубини яратишда муҳим асос бўлганлиги фактик материаллар билан далилланган, ижодкорнинг улардан фойдаланиш маҳорати очиб берилган.

**Калит сўзлар:** услуб, бадиий услуб, миллий услуб, маҳсус услуб, ўхшатиши, ташбих, бадиий санъат, ирония

## Anvar Obidjon's skill in using similes

Yaqub Siddiqovich Saidov  
Marjona Ubaydulloeva  
Bukhara State University

**Abstract:** In the article, the similes in the works of Anvar Obidjon, who have a special place in the development of modern Uzbek literature, are studied in the lexical-semantic aspect, their linguopoetic features are determined, it is proven with factual materials that they are an important basis for creating the style of the poet's works, and the artist's skill in using them is revealed.

**Keywords:** style, artistic style, national style, special style, simile, allusion, art, irony

Аёнки, ўхшатишилар инсон тафаккури тараққиётида алоҳида ўринга эга бўлиб, ижтимоий фанлар ва бадиий ижодда янгиликларни қидириш ҳамда кашф этиш борасида энг муҳим воситалардан биридир. Шу боис ўхшатишилар фалсафа, мантиқ, тилшунослик, адабиётшунослик, маданиятшунослик каби фанлар учун зарур бўлган категория ҳисобланади [5, 239]. Ижтимоий ҳаёт ва бадиий адабиётда ўхшатишилар мухим восита мавжуд эмас. Инсон онгидаги бир нарсага хос белги, жараён ёки моҳиятни қиёс натижасида бошқа нарсада қўра олиш, тасаввур қилиш қобилияти инсониятнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий тадрижи учун улкан имкониятлар берган [2, 32].

Ўхшатишларнинг бадиий ижоддаги муҳим ўрни ва аҳамияти хусусида Аристотел қуидагиларни ёзади: “Ҳар қандай бадиий санъат ўхшатиш санъатидан бошқа нарса эмас” [1]; Й.Ис`ҳоқов ҳам мазкур фикрни такомиллаштириб, қуидагини баён этади: “Ёзма адабиётнинг ривожланиш йўли поетик воситалар, жумладан, ташбиҳнинг ҳам тараққиёт тарихидир” [3, 231]. Ўзбек мумтоз адабиётда қўлланилган шеърий санъатларнинг умумий миқдори юзтадан ортиқ бўлса, шулар орасида ташбиҳ тахминан биринчи ёки иккинчи ўринда туради. Англашиладики, ўзбек адабиётида ташбиҳ энг муҳим ва энг қўп қўлланилган асосий тасвирий воситадир.

Ўзбек халқининг атоқли шоири Анвар Обиджон шеърларида анъанавий ташбиҳлар, чунончи, маъшуқани гул, ғунча, *Лайли*, *фаршишта*, *ой*, қуёшга, ошиқни булбул, *Мажнун*, қулга ўхшатиш кабилар ҳам, янги, бошқа шоирлар мутлақо қўлламаган топилма ташбиҳлар ҳам мавжуд. Унинг шеърларида Анвар Обиджонгагина хос, ўзбек адабиётида аввал учрамаган (учраса ҳам оммалашмаган) ташбиҳлар қўлланган.

Еътиборли томони шундаки, Анвар Обиджон ўхшатишлари халқ маданияти заминида яратилган бўлиб, шоир уларни ўз ўрнида қўллашга ҳаракат қилган, инсон, хусусан, болалар қалби ва руҳига кучли таъсир этишнинг энг муҳим тасвирий воситаси сифатида улардан кенг ва самарали фойдаланган. Буни шоирнинг барча бадиий асарларида кузатиш мумкин. Ўхшатишлар шоир асарларининг услубини очиқ ва равон бўлишида энг муҳим тасвирий восита сифатида асос бўлган. Масалан, унинг қуидаги шеърий парчасига эътибор қаратайлик:

Аргамчикдек буралар, ялтоқларга ўралар,  
Қўпғуз ўтса мўралар, бўғма илонга салом.

Шоирнинг мазкур байтида қўлланилган *арғамчикдек бўғма илон* ўхшатишини китобхоннинг англаши жуда осон, у халқ маданияти ва тафаккурига беҳад тўғри келади. Мифологик тасаввурларга қўра туркий халқларда илоннинг номини айтиш табуланган. Уни *арғамчи* сўзи билан ифодалаш халқ тилида оммалашган. Шоир бадиий асарларидаги ўхшатишларни ўрганиш асосида шуни айтиш мумкинки, улар ижодкорнинг индивидуал нутқий услугуга хос жиҳатларни кўрсатиши билан бирга ўзбек халқига мансуб тил соҳибларининг бадиий тафаккури, тил бирликларига бўлган муносабатини ҳам тўлиқ намоён этган.

Анвар Обиджон асарларида *она тили чинорга, ёшлик денгизга, қўз калишга, стол хўтикка, хаёл оғуга, бел бошоқقا, сўз мойга, шапка баргга ўхшатилган*. Бу каби ўхшатишлар шоир асарларида кўплаб учрайди. Улар бадиий нутқ таъсирчанлиги даражасини оширган, фикрни аниқ ва ёрқин ифодаланишига хизмат қилган. Шоир шеърий асарларидаги ўхшатишларни нисбий тарзда икки

гурӯҳга - тўлиқ ва қисқа ўхшатишларга ажратиб ўрганиш мумкин. Аёнки, тўлиқ ўхшатишларда тўрт элемент: ўхшаган; ўхшатилган; ўхшатиш қайди; ўхшаш мавжуд бўлади. Қисқа ўхшатиш эса ўхшаган ва ўхшатилгандан ташкил топади.

Шоир шеърларидағи *сулув гунча янглиғ гўзал, йигит шер каби ботир* каби тўлиқ ўхшатишлар, *кўзи калиши, сўзи мой, тили чинор* каби қисқа ўхшатишлар шоир асарлари услубини белгиловчи омил сифатида воқеланган. Ўхшатиш муносабатини ифодаловчи – *каби, сингари, янглиғ, гўё, худди, бамисоли, мисли, мисоли* каби ёрдамчи сўзлар, *дек, -дай* каби ўхшатиш қўшимчалари шоирнинг ташбиҳ санъатини яратишида асосий восита бўлиб хизмат қилган.

Анвар Обиджон ўхшатишлардан бадиий фикрини аниқ, таъсиричан, образли ва мантикли ифодалаш мақсадида кенг фойдаланган. Унинг шеърларидағи анъанавий ўхшатишлар ҳам, хусусий ўхшатишлар ҳам умуминсоний эзгу foяларни тарғиб этишга, китобхонларнинг бадиий-естетик тафаккурини бойитишга йўналтирилганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Она қуёш, аксингни,

Чиздим йўлакка.

Мазкур шеърий парча Анвар Обиджоннинг болаларга атаб ёзилган шеъридан келтирилди. Англашиладики, унда қуёш онага қиёсланган. Бу каби ўхшатишлар, шубҳасиз, болаларнинг қуёш бўйича тасавурларини шакллантириб мукаммаллаштиришга, шеърда ифодаланган мазмунни осон идрок этишга кенг имконият яратади. Шоир ўз асарлари тилида ташбиҳлардан фойдаланаар экан, энг аввало, халқ жонли сўзлашув тилида кенг истеъмолда бўлган ўхшатишларга дикқат қаратади, ўрни билан уларнинг таркибий шаклини ижодий қайта ишлаб, ички мазмунини турли ироник маъно ва тушунчалар билан бойитишга ҳаракат қиласи.

Шоир ижодидаги оригинал ташбиҳлар сифатида қуидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:

Мехрингни қўрпадек ёпиниб ўтгум,

Ҳар дараҳт, тошингга топиниб ўтгум,

Бағрингда юриб ҳам соғиниб ўтгум, Ватанжон!

Шоирнинг «Ватанжон» шеъридан олинган ушбу шеърий парчада Ватанни севиш, уни ардоқлаш мазмuni сингдирилган бўлиб, меҳр, аникроғи, Ватан меҳри кимсанинг роҳат қилиб ухлаши учун керак бўладиган иссиқ ва юмшоқ қўрпага ўхшатилган. Бу каби ташбиҳ бошқа шоирларнинг асарларида учрамайди. Шоирнинг қуидаги шеърида ҳам мазкур фикрни айтишга асос бўлувчи ўхшатиш қўлланган:

Фитнага бой эрур ҳар битта замон,

Жим турсанг-да чўзар қаттоллар бўйин,

Тутмоқлиқдан кўра найзага қалқон,

Тинчинг мўрт шишадек асрамоқ қийин.

Шеърий парчанинг тавсифи қуйидагича: ҳар бир замоннинг халқ тинчлиги ва осойишталигини кўра олмайдиган қаттол фитначилари бўлади. Халқ уларни тинчликни сақлаб қолиш учун мунтазам жиловлаб туриши керак. Қалқон билан найзадан ўзни ҳимоя қилишдан кўра тинчликни сақлаш қийинроқдир. Мамлакатда тинчлик бузилдими, халқ сарсон-саргардон бўлади, унинг орасида ўлимлар бўлиши мумкин. Шоир шеърида тинчликни мўрт шишага ўхшатган. Мўрт шишани кўз қорачиғидай асраб-авайламаса, у, албатта, синади. Шунга ўхшаш тинчликни ҳимоя қилиш, уни сақлаб қолишга ҳаракат қилиш керак.

Ўхшатиш насрда ҳам, назмда ҳам учрайдиган лингвомаданий ҳодиса ҳисобланади. Бироқ бу ҳодиса кўпроқ назмда учраши кузатилади. Анвар Обиджон шеъриятида ўхшатишнинг ёрқин намуналарини қўришимиз мумкин.

Ҳар битта сўз - сувдек азиз,

Ҳар битта сўз - нондек увол.

Тил бойлигин боғ деб билсак,

Ҳар битта сўз - битта ниҳол.

Мазкур шеърий парча шоирнинг «Ота ўгити» номли шеъридан олинган бўлиб, унинг дастлабки қаторларида сўз сув ва нонга ўхшатилган. Шоир фикрича, инсон сув ичмаса ва нон йемаса яшай олмайдиганидек, сўзсиз ҳам яшай олмайди. Шеърнинг кейинги қаторларида эса тил боғга қиёс қилинган ва сўз шу боғнинг ниҳолларига ўхшатилган. Шеърий парча мазмунидан сўзни муқаддас деб билиш, уни ўринсиз қўлламасликка даъват этиш мазмuni англашилади.

Қолдингми дўстларсиз дилдираб,

Ўчдими исинган гулханинг,

Чақиндек ёки бир йилтираб,

Алдатиб кетдими севганинг.

Шоирнинг «Кипригинг нега нам» шеъридан мазкур парчада суюкли ёрнинг бевафолиги чақинга ўхшатилган. Шеърдан англашиладики, лирик қаҳрамонни маҳбубаси алдаб кетади. Шоир бу ҳолатни чақинга ёки унинг бир йилтираб кўринишига қиёслайди. Табиатдаги ҳодиса маъшуқа ва ошиқ муносабатига кўчирилган.

Тун пардаси очилар аста,

Чиқиб келар сахнага қуёш.

Келинчақдек бўлиб орастা,

Гул саломдан кўтаради бош.

“Хаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал” шеърининг дастлабки қаторларида туннинг тугаши ва қуёшнинг чиқиб келиши тасвирланган. Шеърнинг кейинги қаторларида эса қуёшнинг ўзига хос тарзда кўриниш бериши келинчакка ўхшатилган. Маълумки, ҳар бир ўзбек хонадонига келинчакнинг кириб келиши,

эрталаб қуёш чиқмасдан аввал туриши, уй ҳовлиси ва кўча ҳудудини супуриб-сидириши, оила аъзоларининг ҳар бирига эҳтиром ва ҳаё-ибо билан таъзим этиб, салом бериши халқ маданиятининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Шоир наздидаги, қуёш табиатга файл зелтиргани каби келинчак хонадонга тозалик, орасталилик олиб киради.

Маълумки, асарда бадиий сюжет ва эстетик қарашлар қанчалик оригинал бўлмасин, юксак маҳорат ва комил услугуб билан ифодаланмаса, уларнинг умумий натижаси муваффақиятли бўлмайди. Анвар Обиджон услугуга хос бўлган энг муҳим хусусият шундаки, ижтимоий ҳаётдаги ҳар қандай воқеа-ҳодисани ҳам, қўнгил ва руҳиятдаги турли-туман чигал ҳис-туйғуларни ҳам, гўзаллик қошидаги ҳайрат ва ҳаяжонни ҳам тагдор ҳазил-мутойиба, киноя, ироник тарзда ҳаққоний тасвирлайди. Шоир асарларида *кўз калишга, стол хўтикли, хаёл оғуга, тил чинорга, шапка баргга ўхшатилганки*, бу каби ўхшатишларни фақат Анвар Обиджон услугугагина хос қўллашлар сифатида баҳолаш мумкин. Алоҳида қайд этиш ўринлики, у ўзбек адабиёти тараққиётида ўз ўрни ва овозига эга, бетакрор, ўзига хос янгича бадиий усул яратса олган ижодкорлардан биридир.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Аристотель. Поэтика (Поэзия санъати ҳақида). Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. - 151 б.
2. Ёқуббекова М. Ўзбек халқ қўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 2005. -161 б.
3. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. -Тошкент: Зарқалам, 2006. -319 б.
4. Мамажонов З. Ўхшатиш асосидаги шеърий санъатларнинг назарий тавсифи ва таснифи: Филол. фан. б. фал. док. ... дисс. автореф. –Т.: 2017. -48 б.
5. Сайдов Ё., Муродов Г. Лингвохудожественные особенности сравнения в узбекской поэзии // Страны. языки. культура: Материалы XI-й международной научно-практической конференции. -Махачкала: 2020. -С. 239-242.
6. Сайдов Ё., Сайдова Г. Аъзам Ўқтам шеъриятидаги ўхшатишларнинг семантик ва структурал-композицион хусусиятлари // Аъзам Ўқтам ижоди бадиияти: Халқаро илмий-амалий онлайн конференсия материаллари. – Андижон: 2020. –Б. 463-470.